

ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

Экономика и финансы



ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ
«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ
ВА МУАММОЛАРИ» ИТМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ

№ 9(145), 2021

- ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ /
МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА
- ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ /
РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ
- МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ /
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ /
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА
- БЮДЖЕТ ТИЗИМИ /
БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши:

- давлат ва жамият ҳурилиши тизимини такомиллаштириш;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;
- иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш;
- ижтимоий соҳани ривожлантириш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сўбат юритиш.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах:

- совершенствование государственного и общественного строительства;
- обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебной-правовой системы;
- развитие и либерализация экономики;
- развитие социальной сферы;
- обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики.



Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан

ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН Научно-исследовательского центра «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском государственном экономическом университете

Журнал издаётся в сотрудничестве с Национальным университетом Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот марказининг

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда нашр этилади

НАШР ОРГАНИ

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 9 (145), 2021

ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ

- 2 **Тураев З.Н.** Туризмнинг иқтисодиёт тармоғи сифатидаги эволюцияси ва ривожланиш босқичлари
- 13 **Исмаилов Б.А.** Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили
- 22 **Rahimova N.A.** Pandemiyaning turizm-industriyasiga ta'siri tahlili

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ / БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

- 28 **Эшназаров Т.Ш.** Бюджет муносабатларини такомиллаштириш ва унинг истиқболлари

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ / РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА

- 32 **Райханов У.А.** Жаҳонда ўрта синфининг шаклланиши ва Ўзбекистондаги хусусиятлари
- 42 **Қурбонова Д.А-қ.** Озиқ-овқат саноати корхоналарида персонални мотивациялаштиришнинг ўрни ва аҳамияти
- 48 **Хасанхонова Н.И.** Внимание на наукоемкость продукции

ПОСТИНДУСТРИАЛ ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ / ТЕОРИЯ ПОСТИНДУСТРИАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

- 55 **Мардонов Б.Б., Аbruев А.О.** Постиндустриал жамиятда камбағалликни аниқлаш тартиби

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

- Ўзбекистон Республикаси **ОАК** рўйхатига киритилган.
- **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган.
- **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган.
- Журнал Ўзбекистон илмий нашрлар ахборот тизими **UzScite**да жойлаштирилиб бормоқда.

- Включён в список **ВАК** Республики Узбекистан.
- Входит в базу данных **РИНЦ**.
- Входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**.
- Журнал размещается в Информационной системе научных журналов Узбекистана **UzScite**.

23.12.2016, № 232/5

https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

<https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

<http://uzscite.uz/journals/iktisod-va-molija-jekonomika-i-finansy/>

Райханов Улуғмурод Алиевич,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети таянч докторанти

ЖАҲОНДА ЎРТА СИНФНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК : 316.35

РАЙХАНОВ У.А. ЖАҲОНДА ЎРТА СИНФНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада ўрта синф гуруҳини аниқлаш ва ўрганиш муаммолари кўриб чиқилган. Хорижий нашрлар асосида «ўрта синф» тушунчасини вужудга келиши ўрганилган. Ушбу ижтимоий гуруҳни аниқлаш мезонлари, унинг ҳажми бўйича эмпирик маълумотлар тақдим этилган. Замонавий нашрлар асосида ўрта синфнинг хусусиятлари ўрганилган. Жаҳонда ва Ўзбекистондаги ўрта синфнинг ҳозирги ҳолати ва динамикаси тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган ва хулосалар чиқарилган.

Таянч иборалар: ўрта синф, «Янги» ўрта синф, «Эски» ўрта синф, «Глобал» ўрта синф, ўрта синфга киритиш мезонлари, тадбиркорлик, хусусий мулк; даромад, децил.

РАЙХАНОВ У.А. ФОРМИРОВАНИЕ СРЕДНЕГО КЛАССА В МИРЕ И ОСОБЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

В статье рассматриваются проблемы выявления и изучения группы среднего класса. Возникновение понятия «средний класс» изучено на основе зарубежных публикаций. Приведены критерии определения данной социальной группы, эмпирические данные о ее численности. Характеристики среднего класса изучены на основе современных публикаций. Были проанализированы данные о текущем состоянии и динамике среднего класса в мире и в Узбекистане и сделаны выводы.

Ключевые слова: средний класс; «Новый» средний класс; «Старый» средний класс; «Глобальный» средний класс; критерии отнесения в средний класс; предпринимательство; частная собственность; доход; децил.

RAYHANOV U.A. FORMATION OF MIDDLE CLASSES IN THE WORLD AND FEATURES IN UZBEKISTAN

In the article is discussed the problems of identifying and studying a middle-class group. The emergence of the concept of «middle class» was studied on the basis of foreign publications. There are given criteria for determining the social group, as well provided some empirical data on its number. The characteristics of the middle class are studied on the basis of modern publications. Data on the current state and dynamics of the middle class in the world and in Uzbekistan were analyzed and conclusions were made.

Key words: middle class, The «new» middle class, The «old» middle class, The «global» middle class, criteria for assignment to the middle class, entrepreneurship, private property, income; decyl.

Кириш.

Ўрта синфнинг кенг қатлами пайдо бўлиши саноатлашган жамиятга ўтиш билан боғлиқ. Бунда аҳоли таркибида камбағал ёки бой қатламга кирмайдиган ўрта қатламининг сезиларли даражада кенгайиши кузатилган. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши эса юқори малакали ишчилар ва мутахассисларни талаб қилган. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши натижасида ишчиларнинг янги тоифаси – менежерлар вужудга келди. Ижтимоий инфратузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши ўқитувчилар ва шифокорларнинг профессионал гуруҳлари сонининг кўпайишига таъсир кўрсатди. Жамиятда аҳолининг хунармандлар, савдогарлар ва «майда буржуазия»нинг бошқа вакиллари билан иборат бўлмаган янги оммавий тоифаси пайдо бўлди, улар «ўрта синф» атамаси билан белгиланган [1].

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Ўрта синф – бу жуда хилма-хил аҳоли тоифасидир, ammo бу глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган кўпчилик жамиятларда ўсиб бораётган иқтисодий тенгсизлик билан янада ортиб бормоқда. Бугунги кунда алоҳида эътиборга олиш керак бўлган нарса ўрта синфнинг жамиятнинг бошқа аъзоларига қараганда сезиларли даражада кўплигидадир.

Жаҳонда ушбу синфни шакллантириш ва ривожлантиришга глобал миқёсда эътибор қаратилади. Чунки, жамиятда бу синфнинг ривожланиши нафақат давлат олдида турган ижтимоий муаммоларни бартараф этишда, балки иқтисодий муаммоларнинг ҳал бўлишида катта аҳамият касб этади. Масалан, мамлакатда мавжуд камбағаллар сони кескин қисқаришига эришилади, аҳолининг юқори ва кам даромад олувчилари ўртасидаги тафовут пасаяди, уй хўжаликлари ва бозор иқтисодиёти субъектлари талаб ва таклифга мос ҳаракатни амалга оширади. Юқорида келтирилган сабаблар танланган мавзунинг долзарблигини асослайди.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Ўрта синф атамасини биринчи бўлиб Джеймс Брэдшоу 1745 йилда ўзининг мақоласида қўллаган [2]. Бироқ ўрта синфни алоҳида қатлам сифатида ўрганиш бўйича тадқиқотлар АҚШда амалга оширилган.

Америка Қўшма Штатларда ўрта синф қатлами бошқа мамлакатларга қараганда анча олдин пайдо бўлган. Унинг келиб чиқиши XIX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Америкалик ўрта синфни

тадқиқ этган олимлар бири С.Блюмин: унинг фикрига кўра ўрта синф 1830 – йилларда шакллана бошлаган. Бу даврда ўрта синфнинг вужудга келиши АҚШда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий мақоми, турар жойлари, меҳнат маданияти, ўзини-ўзи англаши ва дунёқараши каби мезонлар билан ўлчанган [3]. Уша даврда пайдо бўлган Америка ўрта синфга хунармандлар, майда буржуа ва «оқ танлилар» каби профессионал гуруҳлар кирган. Кейинчалик М.Арчер ва Ж.Блау юқорида тавсифланган гуруҳ вакиллари орасида ўрта синфнинг синфий ўзига хослигини шакллантиришга ёрдам берувчи омилларни аниқлаганлар. Улар бандлик таркибининг ўзгариши, кичик бизнеснинг ривожланиши, ягона турмуш тарзининг шаклланиши, ўрта табақанинг турар жой мавжудлиги каби омилларни ҳисобга олган [4].

XX асрнинг 30 -йилларида АҚШда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати модели ўзгарди: бунда ўрта синфни қўллаб -қувватлашга устувор йўналиш сифатида қаралди. Ўрта синф вакиллари иқтисодиётни юқори сифатли инсон капитали билан таъминлаши билан бирга, товар ва хизматларга талабнинг ортиши кузатилади бу эса умумий иқтисодий ўсишни таъминлаган.

М. Хальбвакс ўша даврда Европа ўрта синфини ўрганган. 1939 йилда у ўз тадқиқотларида француз ўрта синфига асосан хунармандлар, амалдорлар ва хизматчиларни киритган. Ваҳоланки бу таркибга тиббиёт ходимлари, бадиий адабиёт вакиллари, кичик тадбиркорлар ва бошқалар ҳам кирган [5].

XX асрнинг иккинчи ярмида Европада ўрта синф тез суръатлар билан ўсди. Натижада, бу жамиятнинг синфий тузилиши тўғрисида иккита нуқтаи назар пайдо бўлди: биринчисида, етук индустриал жамиятда ўрта синфнинг кенгайиши ва ҳукмронлиги ҳақида фикр билдирилган, иккинчисида эса ишчилар синфи чегарасининг ўзгариши ва ўрта синф таркибига ходимлар, техниклар ва муҳандисларнинг муҳим қисми алоҳида қатлам сифатида киритилганлиги тўғрисида баён этилган [6].

1950 – йиллардан бошлаб аста-секин ягона ўрта синф тушунчасидан «эски» ва «янги» ўрта синф тушунчасига ўтиш юз берди. Ушбу тушунчаларни ажратиш: «эски» ўрта синф учун ишлаб чиқариш воситаларига, «янги» ўрта синф учун эса муҳим инсон капиталига эгалик қилиш мезони орқали амалга оширилган.

Ўтган асрнинг 80 – йилларидан тобора кўпроқ тадқиқотчилар ўрта синфни гуруҳларга бўлишга эътибор бера бошладилар. Ўрта синф

кичик гуруҳларга ажратиб ўрганила бошланди. Масалан, М. Севедж ўрта синфнинг учта кичик гуруҳини ажратиб кўрсатди, булар: 1) тадбиркорлар (иқтисодий активларга эга); 2) менежерлар (маъмурий активлар); 3) профессионаллар (маданий бойликларга эга) [7]. Кейинги тадқиқотларда ўрта синфни «қуйи», «ўрта» ва «юқори» ўрта синфларга ажратиб ўрганиш ўз аксини топган [8].

1980-йилларда юқори ва қуйи қатламларнинг тез ўсиши билан ўрта синфлар сонининг пасайиш тенденцияси кузатилди. У жамиятнинг саноатлашиш тизимга ўтиши билан изоҳланади. Бу тенденцияни С. Прессман ўз тадқиқотида қуйидагича тасвирлаб берган. Турли мамлакатлардаги ўрта синф сонини қиёсий таҳлил қилиш учун у LIS («Люксембург даромадлар тадқиқоти») усулини қўллаган. Ушбу усулга кўра, ўрта синф ҳар бир оиланинг даромад даражаси мезони бўйича аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич медиана даражасидан 75 дан 125% гача даражани ташкил қилган. Прессман 1980, 1985, 1990, 1995 ва 2000 йилларда ўрта синфнинг ҳажмини тасифловчи бешта қисмни тузди (1-жадвал).

С.Прессман маълумотларни мамлакатлар бўйича таҳлил қилди: Канада, Германия, Исроил, Голландия, Норвегия, Тайвань, Испания, Швеция, Швейцария, Буюк Британия, АҚШ. Унинг кузатишларига кўра 1980-1985 йиллар оралиғида Швеция ва АҚШдан ташқари барча мамлакатларда ўрта синф сони ошганлиги кузатилди. Аксарият мамлакатлар учун улар сонининг энг юқори даражаси 1990 йилга тўғри келди, лекин 2000 йилларда ўрта синф сонидан пасайиш кузатилгани ҳолда Канада ва Норвегия бундан мустасно бўлган, бу кўрсаткичнинг ушбу мамлакатларда мос равишда 4,0 ва 4,9% ўсиши қайд этилган. Қолган мамлакатларда эса ўрта синфлар сони камайган: Швецияда 2000 йилда 1980 йилга нисбатан 7,1%га, Буюк Британия ва Тайвандан 4,5%га камайди. С.Прессманнинг таъкидлашича, Канада ва Норвегияда ўрта синфнинг ўсиши вертикал ҳаракатчанликнинг пасайишига боғлиқ бўлган. У ушбу кўрсаткични камайишини бу мамлакатларда «юқори» синф улушининг 1980-2000 йиллар оралиғида мос равишда 1,9% ва 2,9% га камайгани билан боғлайди. Муаллиф маълумотларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, ўрта синфлар сонининг камайишига ижтимоий-демографик омилларнинг таъсири аниқланмаган. Шу билан бирга ўрта синф катталигига таъсир этувчи асосий омил эса штатлар солиқ сиёсати бўлиб хизмат қилган, у ўз навбатида ўрта синфлар сонининг секинроқ пасайишига ёрдам берган [9].

Бошқа муаллифлар маълумотлари ривожланган мамлакатларда ўрта синфлар сонининг пасайиш тенденциясини тасдиқлайди. Эйзенхауернинг ҳисоб-китобларига кўра, 2004 йилда Қўшма Штатларда ўрта синф аҳолининг 81,7% ни ташкил қилган. Бундан ташқари, 1989 йилдан бери унинг сони 2,8%га камайди. Муаллифнинг таъкидлашича, бундай пасайиш тенденцияси барча тадқиқот бўлимларида кузатилади: 1989, 1992, 1995, 1998, 2011 ва 2004 йилларда. Эйзенхауер ўрта синфни ажратиш учун иқтисодий ёндашувдан фойдаланган. У 2004 йилда АҚШ аҳолисининг «қашшоқлик чегараси» сифатида тўрт кишилик оила учун йилига ўртача 19307 доллар даромад даражасини кўрсатган. Агар даромад ушбу кўрсаткичдан ошса, оилани ўрта синф деб таснифлаш мумкин деб ҳисоблаган [10].

Кейинчалик 2002 йилда Миланович ва Йитзаки 2000 йилдаги валютанинг харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ҳисоблаганда кунига тахминан 12 дан 50 долларгача яшовчи аҳоли гуруҳларини глобал ўрта синф тоифасига киритишни таклиф қилганлар [34].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўрта синфни аниқлашнинг мезонлари кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Кўриниб турибдики, муаммо етарли даражада ўрганилган, аммо кўпроқ ўрта синфга киритишнинг даромад ва капиталга эгаллик қилиш мезонлари ўрганилган. Ваҳоланки, ўрта синфни аниқлашнинг бошқа мезонларини ҳам илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш ва изланишларга эҳтиёж мавжуд.

Тадқиқот мақсади.

Жаҳонда ўрта синфнинг шаклланиши, уларни аниқлаш мезонлари ва Ўзбекистонда ўрта синфни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ўрта синфга кирувчи аҳоли даромадларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш, ўрта синфни ривожлантириш натижалари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар бериш.

Илмий моҳияти.


Жаҳонда аҳолини даромади ва капиталга эгаллик қилиш мезонларига кўра ўрта синфга киритиш билан бирга жон бошига кунлик харажатлари жиҳатидан ҳам ўрта тоифага киритиш зарур. Шунингдек, ўрта синф сафини кенгайтиришда мамлакатнинг муайян ҳудудий сиёсатини амалга ошириш натижаси бўлган ижтимоий ва иқтисодий-сиёсий омилларни ҳам инобатга олиш лозим. Бу борадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар бериш муҳим илмий аҳамият касб этади.

1-жадвал. XX асрнинг иккинчи ярмида айрим мамлакатларда ўрта синф динамикаси (уй хўжаликларининг аҳоли умумий сонидаги улуши, %)

Мамлакатлар	1-қисм	2-қисм	3-қисм	4-қисм	5-қисм	1-қисмга нисбатан 5-қисмни ўзгариши
Канада	33,0	35,1	36,6	35,8	37,0	4,0
Германия	41,5	43,1	51,4	43,9	42,6	1,1
Исроиль	28,6	31,1	32,1	28,7	27,9	-0,7
Нидерландия	41,0	43,4	39,0	38,7	39,7	-1,3
Норвегия	41,4	44,2	45,7	45,3	46,3	4,9
Тайвань	41,1	42,1	39,9	39,0	36,6	-4,5
Испания	35,5	-	37,7	35,8	33,35	-3,2
Швеция	54,0	48,6	47,8	52,7	46,9	-7,1
Швецария	36,9	-	37,9	-	37,8	1,5
Буюк Британия	36,5	38,2	29,6	32,6	32,0	-4,5
АҚШ	31,7	29,3	29,7	27,3	29,3	-2,4

1-чизма.

Ўрта синфнинг шаклланиш ва ривожланиш омиллари



Тадқиқот методлари.

Тадқиқот давомида жаҳонда аҳолини ўрта синфга киритиш мезонларини аниқлаш ва Ўзбекистонда ўрта даромадли аҳоли тоифасини шаклланиш хусусиятлари, ҳозирги ҳолатини ўрганиш жараёнида мушоҳада, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик таҳлил ва синтез, қиёсий таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Асосий натижалар.

Замонавий илмий изланишларда ўрта синфнинг сони ўсиши ва унинг жамиятдаги аҳамиятининг ортишини таҳлил қилиш муҳим ўрин эгаллайди [11]. Ўрта синф ижтимоий ва иқтисодий табиати билан бир қаторда ҳудудий хусусиятга ҳам эга. Таъкидлаш жоизки, ўрта синфни шакллантириш ва ривожлантиришнинг турли хиллиги мамлакатнинг муайян ҳудудий сиёсатини амалга ошириш

натижаси бўлган ижтимоий ва иқтисодий-сиёсий омилларга боғлиқ (1-чизма) [12].

Иқтисодий ривожланиш омиллари асосан бозор иқтисодиёти, даромадларни тақсимлаш ва рақобатни қамраб олади. Улар иқтисодиёт, молия бозорлари, меҳнат бозори, ер, инвестицияларнинг самарадорлигини акс эттиради ва мураккаб ижтимоий тузилмани олдиндан белгилаб берадиган мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган бўлиб, уларнинг асосини ўрта синф ташкил этади.

Тадқиқотчиларнинг эътибори одатда даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликка қаратилади, чунки бу параметр аниқ ўлчов учун тақдим этилган ва мавжуд. Масалан, А.Я. Кирута тенгсизлик муаммосини баҳолашга ўз ёндашувини таклиф этади [13]. Тенгсизликнинг иқтисодий самарага оддий версияда таъсири нормал ва ортиқча даромад шкаласи ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланади.

Ушбу ёндашув Ғарбий Европа ва Японияда ўрта синфнинг паст ўсиш суръатларини, шунингдек, алоҳида минтақаларида минтақалараро фарқларни изоҳлайди.

Т.В. Меркулова ўз ишида «юқори даромадли мамлакатларда тенгсизлик камаяди, чунки жамият бойиб борган сари тенгсизликни камайтиришни танлайди» деб таъкидлайди [14]. Олимларнинг таъкидлашича, қашшоқликни камайтириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга олиб келадиган «эркин бозор» тамойилларини қўллаш зарур, бу эса мамлакатларга кучли ўрта синфни яратишга ва бой давлатлар билан рақобатлашишга ёрдам беради [15].

Худудий ривожланиш омилларини пайқамаслик қийин, чунки бу ўрта синф қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатадиган табиий шароитлар ва ресурслар ҳамда худуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини намоён этади [16]. Ўрта синф шаклланиши ва ривожланишининг минтақавий омилларини камбағаллик даражаси, демографик ҳолат, кам таъминланган аҳоли улуши ва маълумот даражаси каби кўрсаткичлар ёрдамида ўрганиш қабул қилинган [17]. Минтақавий тафовутлар дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд бўлиб бу ҳолат мамлакат аҳолисининг турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида мамлакатлар минтақавий номутаносибликни юмшатиш учун кўплаб ислохотларни амалга оширмоқда [18].

Ижтимоий омиллар – бу аҳолининг касбий маҳорат ва таълимга асосланган аниқ ижтимоий роли ва мавқеини шакллантиришдир. Халқаро стандартларга мувофиқ, ўрта тоифага ўзларининг ишчи кучларига меҳнат бозорида юқори талабни таъминлайдиган касбий тайёргарликка эга бўлган одамлар киради. Бу эса ижтимоий омиллар орқали намоён бўлади. Масалан, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида даромад ва таълим ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Маълумотга эга бўлмаганларга нисбатан маълумотга эга бўлганларнинг даромадлари ўртасида кескин фарқ кузатилади. Бандлик ва аҳолининг ижтимоий фаровонлиги ўртасида ҳам сезиларли боғлиқлик мавжуд [18]. Бундан ташқари таълим олиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда аҳолининг катта қисмини ўрта синф ташкил этади [19].

Ўрта синф турли мамлакатларда умумий хусусиятларга эга, аммо улар бир хил эмас, чунки улар ҳар бир аниқ жамиятнинг иқтисодий, маданий, сиёсий хусусиятларини акс эттиради. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, аҳолининг моддий фаровонлиги, маълумот даражаси ва мулкка

эгаллик даражасига қараб ўрта синфнинг қуйидаги белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин [20]:

- жами реал даромадлар ҳажми;
- мол-мулкдан даромад (ер, кўчмас мулк, қимматли қоғозлар);
- таълим даражаси, касбий даража;
- шахсий бойликнинг ўсиши бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қобиляти.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра ўрта синф тоифасига кирувчи, дунё бўйича кунига 2 доллардан 13 долларгача яшайдиган аҳоли улуши 1990-йилда 1,4 миллиардни ташкил қилган бўлса, 2005-йилда 2,6 миллиард, яъни дунё аҳолисининг 49 фоизни ташкил қилган [33]. Глобал ўрта синфнинг ҳажми 2009 йилдаги 1,8 миллиарддан 2017 йилда 3,5 миллиардга кўпайган. Агарда ўрта синфнинг ўсиши мана шу тарзда давом этса, дунё аҳолисининг ярмидан кўпи ва 2021 йилга келиб глобал ўрта синф тахминан 4 миллиардга ўсиши ва 2030 йилга келиб 5,3 миллиардга етиши кутилган эди [21].


Бироқ юқоридаги башоратлар ўзини оқламади, сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, 1990-йиллардан бери биринчи марта covid-19 пандемия таъсирида глобал ўрта синфнинг 2020 йилда қисқариши кузатилди. Яъни, 2020 йилда 150 миллионга яқин одам, аниқроғи Буюк Британия ва Германия аҳолисига тенг аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати пасайди, жумладан Ҳиндистон, Жанубий Осиё ва Африканинг Саҳрои-Кабр жанубидаги мамлакатларида энг катта пасайиш кузатилди (1-расм) [22].

Глобал ўрта синф сонининг қисқариши Ҳиндистон ва Жанубий Осиё мамлакатларида юқори даражада кузатилди, яъни Ҳиндистонда ўрта синфга кирувчиларнинг 32%, Жанубий Осиё мамлакатларида эса 25 % ўрта синф тоифасидан чиқиб кетган. Бу эса «ўрта синфнинг пасайиши»ни ҳимоя қилишнинг мавжуд эмаслиги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун жиддий тўсиқларни ҳосил қилади, натижада аҳолининг ушбу тоифалари камбағаллик тоифасига тушиб қолиши ва ижтимоий қўллаб-қувватлашлардан маҳрум бўлиши мумкин.

Бир қатор олимлар ривожланаётган мамлакатларда ўрта синфнинг қиёсий тадқиқотларини ўтказишга ҳаракат қилганлар. Масалан, А. Банержи ва Э. Дюфло уй ҳўжаликларининг икки гуруҳини ажратиш кўрсатишади: биринчи гуруҳда, бир кишига кундалик харажатлар 2-4 доллар, иккинчи гуруҳда эса 6 дан 10 долларгача миқдорни ташкил қилган. Улар ушбу гуруҳларни ўрта синф деб ата-

1-расм. Дунёда ўрта синфнинг қисқариши (%да)¹

2020 йилда ўрта ва юқори ўрта синфларнинг қисқариши



шади. Шу билан бирга 13 та ривожланаётган мамлакатларда ўрта синфнинг истеъмол даражаси ва инвестиция шакллари бўйича, глобал камбағаллик даражаси (аҳоли жон бошига кундалик истеъмоли 2 доллардан паст бўлган), шунингдек, аҳолининг харажатлари, даромадлари ва болаларни тарбиялашдаги фарқларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказган. Банержи ва Дюфло фикрига кўра «ўрта синф – барқарор, юқори маошли иш билан таъминланиш орқали тавсифланади», деб ёзади. Бундан ташқари Банержи ва Дюфло ўрта синфнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор беришган, масалан, бу гуруҳ вакилларининг фарзандлари кам бўлиб уларнинг таълими ва соғлиғига кўпроқ эътибор беришади деб таъкидлашади. Шу билан бирга, ўрта синф вакиллари учун болалар келажакка бўлган умиддир, чунки улар фарзандларига нисбатан ўзларига камроқ маблағ сарфлайдилар деб ҳисоблайди [23].

Собиқ иттифоқ мамлакатларида оммавий ўрта синф тахминан 2000 йиллардан шакллана бошлаган, ўша даврда уни аниқлаш мезонлари ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлса-да, аҳоли гуруҳларга ажратишнинг баъзи хусусиятлари мавжуд бўлган: ижтимоий-демографик хусусиятлар (даромад

даражаси, фаолият соҳаси, эгаллаб турган лавозими, касби, ижтимоий мавқеи, ҳозирги истеъмол даражаси, ёши); ҳаёт тарзи; даромадни оширишга ҳаракат қилиши [24].

Россиялик тадқиқотчиларнинг кўпчилиги «совет» ўрта синфини ўрганиш алоҳида ва қийин вазифа, деб ҳисоблаганлар, чунки рус тарихининг ўша даври ҳозирги замондан фарқли бошқа турдаги жамият билан ажралиб турган деб қаралган. Шу билан бирга, 1980 -йиллар охири ва 90 -йиллар бошидаги рус олимлари ўрта синфни ўрганишга ҳаракат қилишган. Жумладан, Э.Н. Стариков ўртача тоифадаги аҳоли умумий аҳолининг 13 фоизини ташкил қилади деб баҳолаган (даромад даражаси, қулай турар жой, машина ва маиший техника тўплами мавжудлигига эътибор қаратган) [25], Ф.М. Наумова аҳолининг 20-30 фоизини ўрта синф таркибига киритган бўлса [26], А. Кустырев эса кўпчиликни ташкил этади деб ҳисоблаган [27].

Айрим олимлар ўрта синфни аниқлашда қуйидаги мезонларига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар [28]:

- ўрта синфни мамлакат ўртача даромадига яқин бўлган уй хўжаликлари улуши сифатида белгилаш (масалан, ўртача даромаднинг 75 %дан 125 %гача);
- ўрта синфни аҳолининг қатъий қисми сифатида ўлчаш (аҳолининг 60 %);
- ўрта синфни ўлчашда уни оилалар гуруҳи оладиган даромади билан кўриб чиқиш.

Ўзбекистонда ўрта синфни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунда давлат мулкани хусусийлаштириш

¹ PRC аҳоли даромадлари тақсимоли билан Жаҳон банкининг 2014 ва 2018 йиллардаги уй хўжаликлари сўровлари натижасида, банкнинг 2020 йил ўсиш прогнозларидан фойдаланган ҳолдаги 2020 йил январь ойидаги ва 2021 йил январь ойидаги ўсиш прогнозлари экстраполяцияси: бунда мос равишда кунига ўртача ва юқори ўртача даромад 10 дан 20 долларгача ва 20 дан 50 долларгача аниқланган.

орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши етакчи ўринда туради.

Ислохотлар натижасида ва ҳукуматимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тажрибаси ошиши билан янги мулкдорлар синфи Ўзбекистон иқтисодиётида ўз ўрнини янада мустақамлаб бормоқда. Бу синф вакиллари бугунги кунда янги ишчи ўринларини ташкил қилиш, истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдириш, товар айланмасини жадаллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда дастлаб кичик корхоналар, хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари хусусий мулкка айлантирилган. Кейинчалик ўрта ҳажмдаги корхона ва объектларга эътибор қаратилиб, сўнгги йилларда йирик корхоналарни хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. 1992-2006 йилларда кўп-мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш беш босқичга бўлиб ўрганилган [29]:

Биринчи босқич – 1992-1993 йиллар: давлат уй-жой фонди, савдо, маиший хизмат ва маҳаллий саноатнинг кичик корхоналари, дорихоналарни ўз ичига олган кичик хусусийлаштириш.

Иккинчи босқич – 1994-1998 йиллар: оммавий хусусийлаштириш босқичи бўлиб, бу босқичда кичик корхоналар хусусий мулкка, ўрта ва йирик корхоналар эса очик акционерлик ва масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилди.

Учинчи босқич – 1999-2000 йиллар: ушбу босқичда асосан ўрта ва ёқилғи-энергетика комплексига қарашли йирик корхоналар хусусийлаштирилди.

Тўртинчи босқич – 2001-2005 йиллар "... хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик секторини кенгайтириш, жадаллаштириш сари туб бурилишлар даври ҳисобланади" [30]. Ушбу босқичга хос муҳим хусусият – давлат объектларининг тўлиқлигича хусусий мулк сифатида сотилишининг улушини ортиб бориши ҳисобланади.

Бешинчи босқич – 2006-2008 йиллар: мазкур босқич Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги ПҚ-407-сон қарорининг қабул қилиниши билан бошланди. Иқтисодиётда хусусий мулкчилик ролининг ортиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондида давлат улушининг қисқариши, юридик ва жисмоний шахсларнинг бинолари, иншо-

отлари билан банд бўлган ер участкалари хусусий мулк ҳуқуқида хусусийлаштирилиши ушбу босқичнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ушбу мулккий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2008-2021 йилларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мумкин:

Олтинчи босқич – 2008-2012 йиллар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-672-сонли қарори, 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Ф-4010-сонли фармойиши, Президентимизнинг Парламент палаталари 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да маърузасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ҳисобга олиб 2012 йилдан деб олсак, мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Еттинчи босқич – 2012-2017 йиллар: Бозор иқтисодиётининг асоси бўлмиш давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик кўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартиботларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4483-сон Фармони қабул қилиниб, мазкур фармони билан Монополияга қарши курашиш ва Давлат мулкни бошқариш давлат қўмиталари бирлаштирилиб, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сифатида ташкил этилиши билан белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Саккизинчи босқич – 2017-2021 йиллар: Хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини сифат жиҳатдан

ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштирилгандан кейин амалий кўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5016-сон Фармони қабул қилиниб, ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси сифатида қайта ташкил этилди. Институционал ва таркибий ислохотларни жадаллик билан амалга ошириш, давлат активларини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш, капитал бозорининг ишончли ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5630-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигини ташкил этиш ва унга тугатилаётган Давлат рақобат қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш марказининг штат бирликлари, шунингдек давлатнинг, шу жумладан хориждаги активларини бошқариш, хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш (хусусан, давлат улушларини сотиш), давлат мулкларини ижарага бериш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш, давлат иштирокидаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкротлик, баҳолаш фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни таъминлаш, мулкни баҳолаш стандартларини тасдиқлаш ва риэлторларни сертификатлаш бўйича вазифа, функция ва ваколатларини ўтказилиш жараёнлари муҳим босқичлардан биридир.

Ўрта синф ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир ва уни турли даражаларда ўрганиш учун комплекс ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун давлатнинг иқтисодий сиёсатида фуқароларнинг моддий фаровонлигини яхши томонга ўзгартирадиган шароит-

ларни яратиш билан бир қаторда, таълим даражасини ошириш, ўз-ўзини англаш, хусусий мулк институтларини ривожлантириш ва ҳоказоларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Айтиш керакки, ижтимоий соҳада амалга ошириладиган ислохотлар натижасида аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши ва даромадларнинг оширилиши мамлакатда ижтимоий можароларнинг содир бўлмаслигини таъминлайди, натижада жамият барқарорлашади ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар рўй беради.

Ўзбекистонда ҳам дунёни барча мамлакатларида бўлгани каби Covid-19 пандемиясининг аҳоли даромадларига таъсири сезиларли даражада кузатилди [31]. 2020 йилда ўтган йилга нисбатан аҳолининг умумий даромадлари 14,9 %га ўсганлигини кузатиш мумкин. Бироқ бу кўрсаткич 2000 йилда ўтган йилга нисбатан 57,9 % ни ташкил қилган. Таққосланаётган даврда аҳоли даромадларининг ўсиш даражасида пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса аҳоли даромадларининг нотекис тақсимотини кўрсатади ва натижада бошқа мамлакатларда кузатилгани каби Ўзбекистонда ҳам ўрта синф тоифасига кирувчи аҳолининг қуйи синф таркибига тушиб қолаётганлигини кузатилмоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолиси даромадларининг 10 – ли гуруҳлари бўйича нотекис тақсимланиши 2020 йилда 6,9 коэффицентни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичнинг 2007 йилда 13,7 коэффицентни ташкил қилганлигига эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилда 2007 йилга нисбатан 6,8 коэффицентга пасайган деган хулосани чиқаришга имконини беради. Бироқ 2018 йилда бу кўрсаткич 6,1 коэффицентга тенг бўлган. Унга кўра, 2020 йилда 2018 йилга нисбатан энг кам даромадга эга 10 фоиз ва энг юқори даромадга эга бўлган 10 фоиз аҳоли ўртасидаги фарқ сезиларли даражада 0,8 коэффицентга ошганлигини кўрсатади. Бу эса ўрта тоифага кирувчи аҳолининг жами даромадлардаги улуши пасайганлигини кўрсатади. Аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланишини Жини коэффиценти ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Ушбу коэффицент 2017-2019 йилларда 0,262 ни ташкил қилган, 2020 йилда эса 0,276 гача ўзгарганлигини кўриш мумкин [32].

Хулоса ва таклифлар.

Биз замонавий ўрта синфнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида баъзи хулосалар чиқаришимиз мумкин. Унинг вакиллари ўзига ва ҳаётга бўлган ҳаракатчанлик, изланувчанлик, талабчанлик каби алоҳида муносабатлари билан ажралиб туради.

Ўрта синф моддий фаровонликнинг юқори даражаси, ўз муваффақиятининг ўзига хос туйғуси ва юқори ижтимоий ҳаракатчанлиги туфайли ҳаётдан кўпроқ қониқиш билан ажралиб туради. Ўрта синф муваффақият мотивацияси ва касбий фаолият билан боғлиқ бўлган ҳар бир нарсанинг ўзига хос роли билан ажралиб туради. Унинг вакиллари учун меҳнат қилиш нафақат ҳаётининг энг муҳим қисми, балки уни амалга оширишнинг асосий йўналиши ҳамдир. Ўрта синф вакилларининг интернетдан фойдаланиш даражаси ҳам юқори бўлиб, бўш вақтларида турли хил тарзда маданий ҳордиқ олишда ҳам ўрта синф вакиллари фаол ҳисобланиши уларнинг ўзига хос хусусиятига эгаллигини белгилаб беради. Бундан келиб чиқадики, ўрта синф шаҳар маданияти меъёрларига изчил риоя қилишни намойиш этади ва бўш вақтдаги хатти-ҳаракатлар моделлари бу соҳада ўзига хос

жамоавий меъёрларнинг шаклланишидан далолат беради.

Шунингдек, ўрта синфни ривожлантириш орқали қуйидаги натижаларга эришилади [33]:

- давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, нафақат макроиқтисодий барқарорликка эришишга олиб келади, балки жамиятдаги ўрта синфнинг ўсишига ҳам таъсир кўрсатади;

- инсон капиталининг ўсишига қаратилган махсус ижтимоий сиёсат натижасида ўрта синф жамият учун оғир юк эмас, балки ривожланиш учун энг муҳим иқтисодий омил бўлиб ҳисобланади;

- ўрта синф илмий ва технологик потенциални такрор ишлаб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади, бунда аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва жамғариш орқали иқтисодиётга инвестиция киритишни таъминлайди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Тихонова Н.Е. Критерии выделения и определение численности среднего класса в современном российском обществе // Городской средний класс в современной России. Аналитический доклад ИС РАН. М., 2007.

2. James Bradshaw (1745). scheme to prevent the running of Irish wools to France: and Irish woollen goods to foreign countries. By prohibiting the importation of Spanish wools into Ireland, ... Humbly offered to the consideration of Parliament. By a Merchant of London. printed for J. Smith, and G. Faulkner. pp. 4–5. Retrieved 18 May 2012.

3. Blumin S.M. The emergence of the middle class: social experience in the American city, 1760—1900. New York: Cambridge University Press, 1989.

4. Archer M., Blau J. Class Formation in Nineteenth Century America: The Case of the Middle Class // Annual Review of Sociology. 1993. Vol. 19. P. 17—41.

5. Хальбвакс М. Характеристики средних классов (1939) // М. Хальбвакс. Социальные классы и морфология. М.: Институт экспериментальной социологии, 2000.

6. Тихонова Н.Е. Критерии выделения и определение численности среднего класса в современном российском обществе // Городской средний класс в современной России. Аналитический доклад ИС РАН. М., 2007.

7. Savage M. Property, Bureaucracy and Culture: Middle class Formation in Contemporary Britain / M. Savage et al. L.; N.Y.: Routledge, 1992.

8. Емельянова Т.П. Конструирование социальных представлений в условиях трансформации российского общества. М., 2006.

9. Pressman S. The decline of the middle class: an international perspective [Упадок среднего класса: международная перспектива] // Journal of economic. 2007. Vol. 41. Iss. 1. Mar. P. 181—200. URL: <http://search.proquest.com/docview/208853645/fulltextPDF/131603BE30756FCFAF8/7?accountid=35419>

10. Eisenhower J.G. An Economic Definition of the Middle Class. [Экономическое определение среднего класса] // Forum for Social Economics. 2008. Vol. 37. Iss. 2. Aug. P. 103—113. <http://search.proquest.com/docview/211499780/fulltextPDF/131603BE30756FCFAF8/3?accountid=35419>

11. Ричард Анкер. Черта бедности в странах мира: новая методология и сопоставимые оценки // Международный обзор труда. Том 144. № 4 М. 2008.

12. Alkire S., Foster J. E. Counting and Multidimensional Poverty Measurement // *Journal of Public Economics*. 2011. № 95. P. 476–487.
13. Кирута А. Я. Неравенство, экономический рост и демография: неисследованные взаимосвязи. <http://www.hse.ru/data/265/769/1238/Kiruta.doc>
14. Меркулова Т. В. Экономический рост и неравенство: институциональный аспект и эмпирический анализ // *Экономическая теория*. 2009. № 1. С. 81–90.
15. Фляшников А. Бідність і багатство в наукових теоріях і сучасних дослідженнях. <http://www.politik.org.ua>
16. Deichmann U. Geographical Aspects of Identity and Poverty. 1999. <http://www.worldbank.org/poverty/inequal/index.htm>
17. The Global Middle Class Views on Democracy, Religion, Values, and Life Satisfaction in Emerging Nations Pew Global Attitudes Project. <http://www.pewglobal.org>
18. The Middle Classes, Education and Mobility by Florencia Torche and Luis Felipe Lopez-Calva from issue: free trade and market access, winter 2011. <http://www.americas-quarterly.org/node/2152>
19. Bedi T., Coudouel A., Simler K. More than a pretty picture: using poverty maps to design better policies and interventions. Washington DC.: The World Bank. 230 p.
20. Перегуда Ю.А. Средний класс – фактор регионального развития. Псковский регионально-логический журнал № 24/2015. С. 40.
21. https://knowledge4policy.ec.europa.eu/foresight/topic/growing-consumerism/more-developments-relevant-growing-consumerism_en
22. <https://www.bloomberg.com/features/2021-emerging-markets-middle-class/?srnd=premium-europe>
23. Banerjee Abhijit V., Duflo Esther. What Is Middle Class about the Middle Classes around the World? [Что такое средний класс в мировом масштабе?] // *The Journal of Economic Perspectives*. 2008. Vol. 22. Iss. 2. P. 3—28. URL:<http://search.proquest.com/docview/212109917/fulltextPDF/131603BE30756FCFAF8/1?accountid=35419>.
24. Богомолова Н.Н., Донцов А.И., Фоломеева Т.В. Психология больших социальных групп: новые судьбы, новые подходы // *Социальная психология в современном мире* / Под ред. Г.М. Андреевой, А.И. Донцова. М., 2002. с. 142.
25. Стариков Е.Н. «Угрожает» ли нам появление среднего класса? // *Знамя*. 1990. № 10.
26. Наумова Ф.М. Переходный период: мировой опыт и наши проблемы // *Коммунист*. 1990. № 8.
27. Кустырев А. Начало русской революции: версия Макса Вебера // *Вопросы философии*. 1990. № 8.
28. The Middle Classes, Education and Mobility by Florencia Torche and Luis Felipe Lopez-Calva from issue: free trade and market access, winter 2011. <http://www.americas-quarterly.org/node/2152>
29. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулк таркибининг ўзгариши (Ўзбекистон Республикаси материаллари мисолида). Ф.А.Вахабов Автореферати. –Тошкент: “Университет”, 2007. 14 бет.
30. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. 25 бет.
31. Nozim Muminov., Tatyana Kim., Farmonqul Egamberdiyev., Anastas Ambartsumyan (2020). THE WAYS OF IMPROVEMENT OF LIVING STANDARDS. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*. Vol. 24, Issue 04, 1950-1953. ISSN: 1965-1980. DOI: 10.37200/IJPR/V24I4/PR201305
32. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2>
33. Homi Kharas. The Emerging middle class in developing countries / *Research area: Global Development Outlook/ January 2010*. <http://www.oecd.org/social/poverty/44457738.pdf>
34. The Developing World’s Bulging (but Vulnerable) “Middle Class” <https://documents1.worldbank.org/curated/en/510831468155726199/pdf/WPS4816.pdf>
35. Milanovic, B, and S Yitzhaki, «Decomposing World Income Distribution: Does the World Have a Middle Class?» *Review of Income and Wealth*, Vol. 48, No. 2, 2002, pp. 155-178.